

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

БАЗАРОВ АДҲАМ ХАЙРУЛЛАЕВИЧ

**ИНФЕКЦИОН МАСТИТДА МИКРООРГАНИЗМЛАРНИ СУТ ВА СУТ
МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ САНИТАР ТЕХНОЛОГИК СИФАТИГА
ТАЪСИРИ**

**16.00.03-Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси,
микологияси, микотоксикологияси ва иммунологияси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2024

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
ветеринарным наукам**

Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary sciences

Базаров Адхам Хайруллаевич

Инфекцион маститда микроорганизмларни сут ва сут маҳсулотларининг
санитар технологик сифатига таъсири.....5

Базаров Адхам Хайруллаевич

Влияние микроорганизмов при инфекционном мастите на санитарно-
технологическое качество молока и молочных продуктов.....25

Bazarov Adkham Khayrullayevich

The influence of microorganisms during infectious mastitis on the sanitary and
technological quality of milk and dairy products.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

БАЗАРОВ АДҲАМ ХАЙРУЛЛАЕВИЧ

**ИНФЕКЦИОН МАСТИТДА МИКРООРГАНИЗМЛАРНИ СУТ ВА СУТ
МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ САНИТАР ТЕХНОЛОГИК СИФАТИГА
ТАЪСИРИ**

**16.00.03-Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси,
микологияси, микотоксикологияси ва иммунологияси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/V73 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (ssuv@edu.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Салимов Ҳант Салимович
ветеринария фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Вафакулов Саъдулла Ҳакимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Менглиев Ғайрат Акрамович
ветеринария фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019.V.12.01 рақамли илмий кенгашнинг 2024 йил «20» 02 соат «15⁰⁰» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-76-86; e-mail: ssuv@edu.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14315 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-76-86).

Диссертация автореферати 2024 йил «9» 02 куни тарқатилди.
(2024 йил «9» 02 даги № 2 - рақамли реестр баённомаси)



Х.Б.Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, биол.ф.д., профессор

С.Б.Эшбуриев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, вет.ф.д., доцент

Қ.Н.Норбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, вет.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда дунё аҳолисининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда чорвачиликнинг асосий тармоғи ҳисобланадиган сут қорамолчилиги етакчи ўринни эгаллайди. Ушбу соҳани интенсив ривожлантириш учун юқори маҳсулдор сигирлар бош сонини кўпайтириш, улардан фойдаланиш даврини узайтириш ва ирсий жиҳатларидан тўлиқ фойдаланиш, экологик соф ва тоза сут ва сут маҳсулотларини етиштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. «Юқори маҳсулдор сигирлар орасида инфекцион мастит билан касалланиш ўртача 22-60% ни ташкил этиб»,¹ натижада сигирлар сут маҳсулдорлиги ва сут сифатининг пасайиши, улардан туғилган бузоқларнинг ҳар хил касалликлар билан касалланиш даражасининг ортиши, шунингдек қўшимча ветеринария санитария тадбирлари ҳисобига хўжаликларнинг катта иқтисодий зарар кўришига сабаб бўлмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, одамлар ва ҳайвонларга хос бўлган бир қатор инфекциялар орасида инфекцион клиник ва субклиник маститларга қарши курашишнинг мураккаблиги ва уни тугатиш муаммолари ўзига хос қийинчиликлардан иборат. Бундай қийинчиликларнинг асосий сабабларидан бири, ҳайвонларда шартли патоген микроорганизмлар: стафилококк, стрептококк, эшерихия, псевдомонада, пастереллалар кўзғатадиган мастит ва субклиник маститларнинг учраб туришидир. Шунингдек, ижтимоий соҳага сезиларли салбий таъсир этувчи сигирларнинг инфекцион субклиник маститини ўз вақтида диагностика қилиш, уни самарали даволаш ва олдини олиш масалалари ветеринария фани ва амалиёти олдидаги ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Республикамизда қорамолчилиқни жадал ривожлантириш, халқимизни арзон ва сифатли гўшт, сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, айниқса қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган фуқароларнинг бандлигини ошириш ва даромадларини кўпайтириш мақсадида муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда қорамолларда учрайдиган инфекцион касалликлар, шу жумладан инфекцион клиник ва субклиник мастит катта тўсиқлардан бири бўлиб, бунда сигирлар сут маҳсулдорлигининг камайиши, маҳсулотлар сифатининг пасайиши, соғин сигирларнинг яроқсиз ҳолатга келиши ҳамда маҳсулот етиштириш учун харажатларнинг кўпайиши кузатилмоқда. Шу боисдан сигирларда учрайдиган инфекцион субклиник маститларни аниқлаш учун маҳаллий диагностика воситалари, сигирлардан олинган сут ва сут маҳсулотларининг санитар технологик сифатини баҳолаш усуллари ва касалликни олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим амалий аҳамиятга эга.

¹ Студникова Е.А. Разработка безмедикаментозного метода лечения коров при субклиническом мастите. Дисс. канд. вет. наук. Саратов 2015. 132. с.

Ушбу диссертация тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»², 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон - 2030» стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сонли «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-120-сон «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121-сон «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 31 мартдаги ПҚ-187-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда шу соҳага оид турли меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда кўрсатилган устувор масалаларни ечишда маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инфекцион маститнинг клиник белгилари, эпизоотологик хусусиятлари, этиологияси ва патогенезини ўрганиш, даволаш ва қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича жаҳон мамлакатларининг олимлари, жумладан В.С. Авдеенко, М.А. Багманов, В.А. Барышев, А.А. Батраков, К.Д. Валюшкин, А.К. Джавадов, Е.А. Коноваленко, П.А. Красочко, О.Н. Недерева, Э.К. Рахматуллин, J.Berdy, A.L. Bhutto, S.A. Fiordalisi, N.Lopes-Villalobos, G.A. Mein, D.E.Morin, R.N. Zadoks, F.Zaini ва мамлакатимиз олимларидан Н.Г. Шатохин, П.З. Решидов ва бошқалар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари бажарилган. Аммо Республикамиз шароитидаги маҳсулдор зотли сигирларнинг инфекцион маститида микроорганизмларни соғиб олинган сут ва сут маҳсулотларининг санитар-технологик сифатига таъсири ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг илмий ишлар режаси ҳамда Самарқанд вилоятининг Самарқанд, Пастдарғом туманлари қорамолчилик фермер хўжаликлари билан тузилган (№2. 08.01.2019 й), хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»² ПФ-60-сонли фармони.

Тадқиқотнинг мақсади сигирларда инфекцион маститни замонавий диагностика қилиш усуллари ишлаб чиқиш, касаллик кўзғатувчиларининг культурал, биокимёвий, тинкториал хусусиятларини ва уларни сут ва сут маҳсулотларини санитар технологик сифатига таъсирини ўрганиш ҳамда касалликни даволаш усуллари такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Республикамизнинг шахсий ва фермер хўжаликларига қаршли сигирларда инфекцион клиник ва субклиник маститларнинг тарқалиши, уни келтириб чиқарадиган бактерияларнинг турлари ва хусусиятларини ўрганиш;

инфекцион клиник ва субклиник маститларнинг экспресс диагностикасида фойдаланилган реагентлар: димастин, мастидин, маститодиагност ва СамДВМЧБУ мастито тестларини бир-бирига таққослаш асосида уларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш;

соғлом сигирлардан соғиб олинган йиғма сутга 6-8% инфекцион маститли сутни аралашуви сутнинг ва ундан тайёрланадиган сут маҳсулотларининг санитар - технологик сифатига таъсирини давлат андозалари буйича баҳолаш;

мастисан А, мастицид, панфлавин препаратларини айрим антибиотиклар билан биргаликда синаш асосида инфекцион маститни даволашда қўллаш ва уларнинг энг самаралисини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республикамизнинг шахсий ва фермер хўжаликларига қаршли инфекцион клиник ва субклиник мастит сигирлар, уни келтириб чиқарувчи кўзғатувчиларнинг турлари, сигирлардан соғиб олинган ҳар-хил сут намуналари, сут маҳсулотлари, СамДВМЧБУ, мастисан, димастин, мастидин, маститодиагност реагентлари ва антибиотиклар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сигирларда инфекцион маститнинг асосий кўзғатувчилари, маститли сутни санитар ва технологик сифати, сутдан ажратилган кўзғатувчилар, 6-8 % маститли сут аралашмаси, субклиник мастиларни аниқлашда қўлланиладиган диагностикаумлар, мастисан А, мастицид, антибиотик ва сульфаниламидлар, макролидлар, фторхинолонлар, аминогликозидлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда умумий қабул қилинган клиник, бактериологик, бактериоскопик, биокимёвий, гиалуронидаза тестлари ва *Uaytsayda* намунаси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

сигирларда инфекцион субклиник маститнинг этиологиясида *staphylococcus epidermidis* бактериясининг роли аниқланган;

инфекцион субклиник маститга экспресс диагноз қўйиш учун «СамДВМЧБУ» реагенти ишлаб чиқарилган;

мастит касаллигида сутдаги стафилококкларнинг энтеротоксигенлик хусусияти тажрибаларда аниқланган;

стафилококкларнинг энтеротоксиген фаоллигини белгиловчи омил улар ишлаб чиқарадиган рибонуклеаза ферменти рибонуклеин кислотани парчалаш хусусиятига эга токсин эканлиги илмий асосланган;

илк бор соғлом сигирдан соғиб олинган йиғма сутга 6-8 % маститли сутнинг кўшилиши, сутнинг санитар, товарлилик сифатини пасайтириб, сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришда яроқсиз ҳолга келтириши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Республиканинг Самарқанд, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари қорамолчиликка йўналтирилган фермер хўжаликларидаги сигирларда инфекцион мастит касаллигининг турлари, тарқалиши ва келиб чиқиш сабаблари аниқланган;

сут бериш даври тўхтагандан, тукқангача вақт оралиғида сигирлар организмига акридин ёки панфлавинни антибиотиклар билан аралаштириб юбориш, туғриқдан сўнги мастит ва метрит касаллигини 4-6 марта камайтириши аниқланган;

ветеринария медицинаси лабораториялари учун *staphylococcus aureus*, *staphylococcus epidermidis*ларни ишончли дифференциация қилиш имкониятини берувчи усул ишлаб чиқилган;

мастит касаллигини экспресс усулда аниқловчи СамДВМЧБУ реагенти яратилган ва фермер хўжаликларида синовдан ўтказилган, уни тайёрлаш ва қўллаш усули ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги энг янги услуб ва усқунуларидан фойдаланилган ҳолда бажарилганлиги, бирламчи маълумотларга ишлов бериш ва илмий таҳлил қилиш, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотларига мос келиши, тадқиқот натижаларини чет эл ва маҳаллий тажрибалар натижалари билан чуқур илмий таҳлил этилганлиги, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети апробация комиссияси томонидан илмий тадқиқот ва бирламчи ҳужжатларга ижобий баҳо берилганлиги, илмий тадқиқот ишлар натижаларининг ишлаб чиқариш билан узвийлиги ва олинган илмий ва амалий натижаларни ваколатли давлат идоралари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сигирларда инфекцион клиник маститнинг асосий кўзғатувчилари стафилококклар эканлиги, уларнинг этиологик роли инфекцион клиник маститда 80%, инфекцион яширин маститда 85% ни ташкил этиши, сигирларнинг инфекцион маститида ажратилган стафилококклар орасида асосий ўринни *staphylococcus aureus*, субклиник маститда эса, *staphylococcus epidermidis* эгаллаши илмий асосланганлиги, стафилококкли маститда сут энтеротоксиген хусусиятга эга бўлиши, ёш лаборатория ҳайвонларга потенциал хавфли эканлиги мушук ва қуёнларда қўйилган тажрибаларда илмий исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, соғлом сигирлардан соғиб олинган йиғма сутга 6-8% маститли сут кўшилиши сутни

санитар, товарлик ва технологик сифатини кескин пасайтириб, сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришда яроқсиз ҳолга келтириши аниқланганлиги, бактериоцид моддаси бўлмаган сутда, бактериоцид фаза бўлмаслиги ва бундай сутда микрофлора жадал ривожланиши туфайли, ундан сифатли сут маҳсулотларини тайёрлаб бўлмаслиги ва бундай маҳсулот Давлат андозаларига жавоб бермаслиги борасида тавсиялар берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инфекцион клиник ва субклиник маститда микроорганизмларни сут ва сут маҳсулотларининг санитар технологик сифатига таъсири бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

«Маститга экспресс диагноз қўйиш, хўжалиқни маститдан соғломлаштириш бўйича тавсиянома» ишлаб чиқилган ва Республикамиз қорамолчилик хўжалиқлари шароитидаги сигирларда маститларни аниқлаш учун жорий этилган. (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш қўмитасининг 2023 йил 31- январдаги 02/23-28-сон маълумотномаси). Натижада сигирларда инфекциян маститни аниқ диагностика қилиш ва қорамолчилик хўжалиқларини касалликдан 70-80% га соғломлаштиришга эришилган;

сигирлар инфекциян маститини субклиник даврда аниқлаш имконини берувчи янги «СамДВМЧБУ» реагенти яратилган ва ветеринария амалиётига жорий этилган. (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш қўмитасининг 2023 йил 31- январдаги 02/23-28-сон маълумотномаси). Ушбу реагентни қўллаш орқали сигирларда субклиник маститларни барвақт диагностика қилишга эришилган;

инфекцион мастит касаллиги кўзгатувчиларини (*staphylococcus aureus* ва *staphylococcus epidermidis*) турлараро ишончли фарқлашда ДНК-аза, коагулаза, теллуритредуктаза тестларини қўллаш усули ишлаб чиқилган ва ветеринария санитария экспертизаси лабораторияларига тадбиқ этилган. (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш қўмитасининг 2023 йил 31- январдаги 02/23-28-сон маълумотномаси). Натижада сигирларда мастит кўзгатувчиларини турлараро идентификациялаш ва уларнинг сут ва сут маҳсулотларига таъсирини баҳолаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларда ва шунингдек СамДВМЧБУ апробация комиссияси томонидан 3 марта, университетдаги йиллик профессор-ўқитувчиларнинг ҳисобот йиғилишларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий мақола чоп этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 4 та мақола, шу жумладан 2 таси хорижий, 2 та республика илмий

журналларида, халқаро конференцияларда 3та, республика илмий-амалий конференцияларида 17 та мақола нашр этилган. Олинган натижалар асосида 1та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **«Кириш»** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Адабиёт маълумотларининг таҳлили»** деб номланган биринчи боби беш қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми **«Сигирларда инфекцион маститнинг тарқалиши** ҳақида маълумот» деб номланиб, бунда инфекцион маститнинг кенг тарқалиши сутчилик йўналиши билан машғул қорамолчиликка сезиларли таъсир кўрсатиши, иқтисодий зарар сигирлар сут маҳсулдорлигининг 9-11%га камайиши, сут сифатини бузилиши сабабли даволаш учун кетадиган харажатлар ва соғин сигирларни яроқсиз бўлишига олиб келиши баён қилинган.

Иккинчи қисми **«Сигирларда инфекцион маститнинг этиологик таркиби»** деб номланиб, унда сигирларда инфекцион маститнинг пайдо бўлишида ҳар-хил омиллар сабабчи бўлиши мумкинлиги, айрим олимларнинг фикрича, инфекцион маститнинг этиологиясида сут безидаги шартли патоген микроорганизмларнинг таъсири асосий роль ўйнаши, баъзан табиий омилларнинг: гигиеник, технологик шароит ва ҳайвонларни сақлаш муҳитининг бузилиши эса инфекцион маститни пайдо бўлишига имкон яратиши кўрсатилган.

Учинчи қисми **«Сут безининг стафилококкли ва стрептококкли инфекциялари»** деб номланиб, бунинг таркибига ҳайвонларни клиник текшириш учун сут безидан сут соғиб олиш, секретни текшириш, сутни лабораторияда экспресс тестлар ёрдамида, тиндириш намунаси, сут безидан ажралган секретни бактериологик текшириш ва антибиотикларга сезувчанлигига аниқлаш баён этилган.

Тўртинчи қисми **«Инфекцион маститли сигирлар сутининг санитар-технологик сифати ва инфекцион маститга ташхис қўйиш»** деб номланиб, тўпланган сутни назорат қилганда 1 мл сутда 500 мингдан кўп микроорганизмларни бўлиши, маститга қарши тадбирларни ўтказишдан хабар бериши бунда, сигирларни клиник текшириш, айрим сигирларни сутини бактериялар ва хужайраларнинг сони бўйича текшириб, мусбат

натижа берган ҳайвонларни патоген микрофлора борлигига бактериологик усул билан текшириш зарурлиги таъкидланган.

Бешинчи қисми «Сигирларда инфекцион маститини даволаш ва профилактика қилиш тадбирлари» деб номланиб, мастит сигирларни даволашда тез-тез алоҳида антибиотиклар, сульфаниламидлар ва уларнинг бирикмалари: мастисанлар А, мастицид, аэродит, супермастикорт, мастоаэрозол, масталон, тетраолеан, неотил, септомаст, эримаст, панфлавин ва бошқалар қўлланилиши баён қилинган. Шу билан бир қаторда маститни антибиотиксиз даволаш йўналиши жадал ривожланиб бориши, буларга: акупунктуралар, электропунктуралар, лазеропунктуралар, гемопунктуралар билан даволаш усуллари ёзиб ўтилган.

Сигирларнинг инфекцион маститида даволаш ва профилактика мақсадида антимикроб ва иммуномодуляторлардан бирга қўшиб даволашни кўпчилик тадқиқотчилар маъқуллашган.

Ветеринария амалиётида иммуномодуляторлардан тимоген, тимолин, стимуаден, эраконд кенг қўлланилиши тавсия этилган. Бу препаратлар ўзининг тавсифи ва иммун жавобни фаоллаштириш даражаси бўйича импорт препаратларидан анча олдинда туриши изланувчилар томонидан таҳлил қилинган. Ҳозирги вақтда интерферонинг индуктори ҳисобланган препарат кенг қўлланила бошлаганлиги бу эса интерферонни фаоллаштириб ҳужайра иммунитетини стимуллаши кўрсатиб ўтилган. Инфекцион маститдан профилактика қилишнинг самарадорлиги елиннинг морфологик хусусияти, соғиш тезлигини яхшилаш учун сигирларни чаптиришга йўналтирилган ишларни амалга оширишдан иборат бўлиб, яхши шароит яратиш билан бирга оталик жуфтлигини подада тўғри танлашга этибор қаратилиши айtilган. Ёзилган тавсияномаларда бир ойда 2 марта субклиник ва клиник шаклдаги маститга мониторинг ўтказиш ва сўнгра ветеринария санитария тадбирларидан кенг доирада фойдаланиш ҳамда селекция-генетик усулдан фойдаланган ҳолда касалликка қарши курашиш зарурлиги таъкидланган.

Диссертациянинг «Тадқиқотлар объекти ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар жойи объекти, услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Илмий тадқиқот ишларининг лабораториявий тадқиқотлар қисми 2018-2022 йиллар мобайнида Самарқанд вилояти Самарқанд тумани «Чорва сут сервис фермаси», Пастдарғом туманидаги З. Сапарова ф/х ва "Н. Шодиев барака чорваси" фермер хўжаликлари, Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли «Дўстлик» агрофирмалари билан келишиш асосида, шунингдек СамДВМЧБУ ўқув тажриба хўжалигида, Самарқанд, Навоий, Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари ҳудудларида яшовчи аҳоли хонадонларида боқилаётган 255 бош соғин сигирлардан олинган сут намуналаридан фойдаланилган ҳолда инфекцион клиник ва субклиник маститларга текширишда бактериологик, бактериоскопик, биокимёвий, гиалуронидаза тестлари ва Uaytsayda намунаси усулларида фойдаланилган.

Диссертациянинг “Инфекцион маститнинг этиологик омилларини ўрганиш натижалари” деб номланган биринчи боби уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида инфекцион маститда стафилококкларнинг этиологик таркибини ўрганиш натижалари берилган. Клиник мастит билан касалланган 98 бош ва 157 бош субклиник мастит билан касалланган сигирлардан олинган патологик материаллар бактериологик текширилганда елиннинг 98 та маститли сут намунасида 60 та (61,23%) стафилококк, 29 та (29,59%) стрептококк ва 9 та (9,18%) ҳолатда бошқа тур бактерия штамлари ажратилди. Олинган натижалар стафилококк ва стрептококклар инфекцион маститнинг асосий қўзғатувчилари эканлигини кўрсатди. 90,82% ҳолатда елиннинг клиник, кўзга ташланарли ялиғланиши намоён бўлди.

1-жадвал

Инфекцион субклиник мастит билан касалланган сигирларнинг сутидан ажратилган қўзғатувчиларни бактериологик текшириш натижалари

Хўжаликлар номи	Намуналар сони	Ажратилган қўзғатувчилар					
		Стафилококк		Стрептококк		Бошқа тур бактериялар	
		сон	%	сон	%	сон	%
“Самарқанд чорва сут Сервис” ф/х	31	18	58,07	11	35,48	2	6,45
Пастдарғом т. “Н. Шодиев барака чорва” ф/х	28	16	57,14	10	35,72	2	7,14
“З.Сапарова” ф/х	27	16	59,26	9	33,33	2	7,41
“Навоий кон металлургия” агрофермаси ф/х	30	18	60,00	11	36,67	1	3,33
СамДВМЧБУ ўқув тажриба хўжалиги	15	9	60,00	4	26,67	2	13,33
Аҳолига тегишли сигирлар	26	14	53,85	10	38,46	2	7,69
Жами:	157	91	57,96	55	35,03	11	7,01

Субклиник маститда 157 бош мастит билан касалланган сигирлар сутидан 91 та (57,96%) намунада стафилококклар, 55 та (35,03%) намунада стрептококклар, 11 та (7,01%) бошқа тур микроорганизмлар *Pseudomonas aeruginosa* (15 та - 9,55%), *Escherichia coli* 4 (2,54%), *Proteus vulgaris* (4 та 2,54%), *Citrobacteriya* (5 та 3,18%) ва *Enterobacteriya* (6 та 3,82%) штамлари ажратилди.

Бета-гемолизин ишлаб чиқарувчи стафилококк штамлари, ҳатто 5% ли қуён эритроцити қўшилган агарда гемолиз изларини кўрсатмади, аммо қўчқор эритроцити қўшилган агарда кўзга ташланарли музсимон гемолизни ҳосил қилди. Қўчқор қони эритроцити қўшилган агар бир кунлик инкубациядан сўнг 4°С совутгичга жойлаштирилди. Дельта гемолизин ишлаб чиқарувчи стафилококклар қўчқор ва қуён эритроцитлари қўшилган агардаги ликопчаларда ингичка ва ялтироқ ҳудудни 37°С да 18-24 соат мобайнида ҳосил қилди.

Staphylococcus aureus ва *Staphylococcus epidermidis* штамлари гемолитик фаолликка эга бўлиб, қўчқор эритроцитларини 151 та штамдан 142 таси (94,03%), қуён эритроцитларини – 89 та штамм (59,94%) ҳолатда лизисга учратди.

2-жадвал

Субклиник мастит билан касалланган сигирлардан ажратилган 91-та стафилококк штамларининг биокимёвий хусусиятларини ўрганиш натижалари

№	Кўзгатувчининг ўрганилган кўрсаткичлари номлари	29 та <i>Staph. aureus</i> штаммидан фаоллари		62 та <i>Staph.epidermidis</i> штаммидан фаоллари	
		сони	фаоллик даражаси (%)	сони	фаоллик даражаси (%)
1	Липаза фаоллиги	22	75,86	44	70,96
2	ДНК-аза фаоллиги	27	93,10	19	30,64
3	Лизоцим фаоллиги	23	79,31	22	35,48
4	Лецитовителлаза фаоллиги	9	31,03	19	30,64
5	Теллурит редуктаза	27	93,10	9	14,51
6	Фибринолизин	21	72,41	7	11,29
7	Трегалоза фаоллиги	23	79,31	5	8,06
8	Коагулаза	29	100,00	2	3,22
9	Гемолиз қилиши	25	86,20	50	80,64
10	Олтин ранг пигмент	17	58,62	3	4,83
11	Маннитни (анаэроб бижғитиш)	29	100,00	4	6,45

Сигирларнинг субклиник маститидан ажратилган *Staph. aureus* ва *Staph. epidermidis*ларнинг биокимёвий хусусиятларини бир-бирига таққослаб ўрганиш учун 91 та стафилококк штамларининг асосий кўрсаткичлари текширилди. Тадқиқотлар натижасида 91 та стафилококк штамларидан 29 таси (31,86%) *Staphylococcus aureus* турига, 62 таси (68,13%) *Staphylococcus epidermidis* турига тегишли эканлиги аниқланди.

Ўрганилган 29 та *Staphylococcus aureus* штаммининг барчаси қуённинг цитратли плазмасини коагуляцияга учратди, маннитни анаэроб шароитда бижғитди, 100,00% ҳолатда ДНК-аза ва 93,10% теллурит-редуктаза фаоллигига эга эканлигини кўрсатди. *Staphylococcus epidermidis* штамлари

Staphylococcus aureus штамларига нисбатан паст биологик фаолликка эга эканлиги аниқланди. Юқори ишончли маълумот олиш учун стафилококклар турини идентификациялашда дастлаб учта тестдан фойдаланилади: коагулаза, ДНК-аза, теллурит редуктаза фаолиги ижобий бўлса ёки уларнинг бирортаси ўрнига коагулаза ижобий бўлиб, маннитни анаэроб бижғитса ва теллурит редуктаза фаол бўлса, стафилококклар идентификацияси ишончли бўлади.

Учта тестда натижани ҳисоблаганда штамминг *Staphylococcus aureus* турига манфий натижа кўрсатса, *Staphylococcus epidermidis* турига мансуб эканлигини билдиради. Учта тест натижалари мос келмаса, культурани бошқа *Staphylococcus aureus*га характерли бўлган белгиларини тўлалигича ўрганиш керак бўлади.

Мазкур учинчи бобнинг иккинчи қисми «**Инфекцион клиник ва субклиник маститда стрептококклар ва бошқа микроорганизмларнинг этиологик ролини ўрганиш натижалари**» деб номланиб, стрептококкли мастит инфекцион касаллик бўлиб, субклиник мастит этиологиясида бирламчи аҳамият касб этиши аниқланди. Субклиник мастит этиологиясида *Streptococcus dysgalactiae*, *Streptococcus agalactiae*, *Streptococcus faecalis* ва *Streptococcus faecium* муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг тадқиқотларда сизирларнинг субклиник маститидан ажратилган жами 84 та стрептококк штамларидан, шу жумладан 46 та (54,76%) *Streptococcus dysgalactiae*, 29 та (34,52%) *Streptococcus agalactiae* ва 9 та (10,71%) *Streptococcus faecalis* ва *Streptococcus faecium* штамларидан фойдаланилди. Стрептококкларнинг В гуруҳидан пастеризацияланмаган сизир сутини ичиш туфайли одамлар касалланса, бундай вақтда стрептококк В гуруҳини сақловчи сут соғувчиларни сут соғиш учун соғин сизирларга жалб қилмаслик талаб этилади.

Шакарли бульонда, +10 ёки +45⁰С ҳароратдаги бульонда, шунингдек бульонга 6,5% ли ош тузи ёки 40% ўт суюқлиги қўшилганда *Streptococcus dysgalactiae* ўсмади, аммо текширилган 46 та штамдан 17 та штамм (36,95%) 10% ли ўт суюқлиги қўшилган бульонда ўсди. Барча штаммлар 1:1000 нисбатда метилен кўки қўшилган бульонда ўсмади, бироқ 1:2000 нисбатда метилен кўки қўшилган бульонда ўсди. Чесбро-Ивенс ишқорли муҳитида (рН 10,0-10,2) ҳам ўсди. 46 штамдан 17 таси (36,95 м%), гиппурат натрийни, 29 штамм (63,04%) теллурит калийни гидролизлади. Барча штаммлар желатинани суюлтирмади. Қонли агарда 21 та (45,65%) штамм - α-гемолизин, 18 та (39,13%) штамм α₁-гемолизин, 7 та (15,21%) штамм γ-гемолизин ҳосил қилди. САМР-тести бўйича ўрганилган штаммлардан *Staphylococcus dysgalactiae* 42 таси (91,30%) гемолиз ҳосил қилди; 4 та штамм (8,70 %) умуман гемолиз ҳосил қилмади. *Staphylococcus dysgalactiae* нинг барча штаммлари глюкоза, галактоза, лактоза, сахароза, трегалоза, глицин, аргининни ферментациялади. Аммо, рафиноза, арабиноза, сорбит, маннит, инулин ва глицеринни ферментацияламади.

Streptococcus agalactiae (серогрупа В) сахароза, трипан кўки, кристалфиолет ва теллуриг калий кўшилган озика мухитларида (0,1-0,2 мм) майда ялтироқ колониялар ҳосил қилиб ўсди. Микроскопнинг кўриш майдонида узун занжирсимон граммусбат бўйланган коклар кўринди. Ҳарорат +10 ёки +45°C бўлганда, шакарли бульонда, 6,5 % ли ош тузи кўшилган бульонда, ишқорли (рН = 9,6-10,0) Чесбро-Ивенс бульонида ва 1:1000 метилен кўки кўшилган бульонда ўсмади, аммо 1:2000 метилен кўки кўшилган бульонда 29 штамдан 13 таси (44,82%), шунингдек 10% ли ва 40% ли ўт суюқлиги кўшилган қонли агарларда ўсди. Теллуриг калий ва эскулинни гидролизламади, лекин гипсур-нордон натрийни гидролизлади, желатинани суолтирмади. Қолган 16 та *Streptococcus agalactiae* штамлари (55,17%) мухитни редуцияламади. Глюкоза, галактоза, лактоза, сахароза, трегалоза, глицин, аргининларни ферментациялади, бироқ рафиноза, арабиноза, сорбит, маннит, инулин, глицерин ва крахмални ферментацияламади.

3-жадвал


***Streptococcus faecalis* ва *Streptococcus faecium* турларининг биологик ва биокимёвий хусусиятларини ўрганиш натижалари**

	<i>Streptococcus faecalis</i> ва <i>Streptococcus faecium</i>-9 штамм	Олинган натижалар
1	Грам усулида бўйлиши	+
2	Кўён эритроцитларини гемолизлаши	+
3	Ҳарорат +10°C ва +45°C да ўсиши	+
4	6,5 % NaCl ли бульонда ўсиши	+
5	Ишқорли Чесбро-Ивенс бульонида ўсиши рН=9,6-10,0 ўсиши	+
6	40% ўт суюқлиги кўшилган қонли агарда ўсиши	+
7	40% ўт суюқлиги кўшилган бульон ўсиши	+
8	1:1000 метилен кўки кўшилган бульон ўсиши	+
9	1:2000 метилен кўки кўшилган бульон ўсиши	+
10	Гидролизлаш: Эскулинни	-
	гипсур-нордон натрий	+
	теллуриг калий	-
11	Желатинани парчалаши	+
12	Сут кўшилган агарда пептонизация	+
13	Углевод ва спиртларни ферментациялаш:	
	лактоза ва сахарозалар	+
	трегалоза, маннит ва арабиноза	+/-
	сорбит, глицерин, рафиноза, инулин ва крахмал	-
14	Сутли агарда пептонизация	-

Streptococcus faecalis ва *Streptococcus faecium* турлари Грам усулида бўйлиши, кўён эритроцитларини гемолизлаши, ҳарорат +10°C ва 45°C, 6,5% ош тузи кўшилган бульонда, ишқорли Чесбро-Ивенс бульонида рН=9,6-10,0да 40% ўт суюқлиги кўшилган қонли агарда, 40% ўт суюқлиги кўшилган

бульонда 1:1000 ва 1:2000 метилен кўки қўшилган бульонда ўсиши билан тавсифланади. Улар эскулинни гидролизламади, гиппур-нордон натрийни гидролизлади, теллурат калийни гидролизламади. Желатинани парчалади, сут қўшилган агарни гидролизлади.

Мазкур учинчи бобнинг учинчи қисми «Сутнинг сифатини текшириш асосида маститларнинг диагностикаси» деб номланиб, бу қисмида субклиник маститга экспресс-диагноз қўйиш учун 2% ли мастидин эритмаси ва қизил фенол билан бром крезол фурфур реагентларидан иборат 5% ли димастиндан фойдаланилди. Кўрсатилган реагентлар елинни ҳар қайси чорагидан сутни олиб текширишга мўлжалланган. Шу билан биргаликда "СамДВМЧБУ" ва бошқа маститотестлар ёрдамида сигирлардан соғиб олинган 698 сут намунаси субклиник маститга текширилди.



1-расм. Инфекцион субклиник маститларни диагностик самарадорлигини реагентлар ёрдамида қиёсий таққослаш натижалари

1-расм натижалари 2% ли мастидиннинг сигирларнинг инфекцион субклиник маститларида 5% димастинга нисбатан 6,88% диагностик самарадорлиги кўпроқ эканлигини кўрсатди. Мастидин ва "СамДВМЧБУ" реагентлари димастинга қараганда, сигирларнинг сут намунасига тез намоён бўладиган, аниқ кўринишдаги мусбат реакция бериши аниқланди. Демак, мастидин ва "СамДВМЧБУ" реагентлари сигирларнинг инфекцион субклиник маститига экспресс-диагноз қўйишга имкон беради ва "СамДВМЧБУ" реагентининг димастинга нисбатан диагностик самарадорлиги 7,60% кўпроқ эканлигини намоён этди. Субклиник мастит сигирлар сутини мастоприм реагенти ёрдамида текширишлар натижасида унинг диагностик самарадорлиги димастинга таққослаганда, ундан 7,03% юқори эканлиги аниқланди.

Маститодиагност ёрдамида йиғма сут таркибидаги маститли сут аралашмасини аниқлаш натижалари 4-жадвалда ўз аксини топган. Жадвал

маълумотларидан аниқ бўлмоқдаки, сатилдаги текширилган 252 та маститли сут аралашган йиғма сут намунасида 119 ҳолатда (47,22%) маститодиагност ёрдамида ижобий натижа олингани аниқланди. Бу кўрсаткич елин бўлакларидан соғилган сутда 45,45 % ни, бидондаги сутда 60,34% ни, автомашинадаги сутда 68,29% ни ташкил этди.

Шу кўрсаткичга яқин маълумотлар "СамДВМЧБУ" реагенти билан ҳам аниқланди. Масалан, елин бўлакларидан соғилган сутда 45,39 % ни, сатилдаги сутда 53,30% ни, бидондаги сутда 61,36% ни, автомашинадаги сутда 64,63% ни ташкил этгани аниқланди.

Эслатма: йиғма сут таркибидаги эски сут, оғиз сути ва тукқандан сўнг бир ой мобайнидаги соғиб олинган сут бундан мустасно.

4-жадвал

Маститодиагност ёрдамида йиғма сут таркибидаги маститли сут аралашмасини аниқлаш натижалари

№	Текширилган сут	Реакция кўрсаткичлари						Жами мусбат сут намуналари сони ва%	
		Мусбат (++++, +++)		Кучсиз мусбат (++) ёки шубхали (+-)		Манфий (-)			
		сон	%	сон	%	сон	%		
1	Сатилдаги	68	26,98	51	20,23	133	52,77	119/47,22	
2	Бидондаги	42	36,20	28	24,13	46	39,65	70/60,34	
3	Сут ташувчи машинадаги	17	41,46	11	26,82	13	31,70	28/68,29	
4	Елин бўлакларидagi сут	57	28,78	33	16,66	108	54,54	90/45,45	

5-жадвал

"СамДВМЧБУ" реагенти ёрдамида йиғма сут таркибидаги маститли сут аралашмасини аниқлаш натижалари

№	Текширилган сут	Реакция кўрсаткичлари						Жами мусбат сут намуналари	
		Мусбат (++++, +++)		Кучсиз мусбат (++) ёки шубхали (+-)		Манфий (-)			
		сон	%	сон	%	сон	%	сон	%
1	Сатилдаги	73	30,16	56	23,14	113	46,69	129	53,30
2	Бидондаги	47	35,60	34	25,75	51	38,63	81	61,36
3	Сут ташувчи машинадаги	31	37,50	22	26,82	29	48,48	53	64,63
4	Елин бўлакларидagi сут	242	33,28	88	12,10	397	54,60	330	45,39

Диссертациянинг «Инфекцион маститни даволаш натижалари» деб номланган тўртинчи бобида инфекция мастит кўзгатувчиларини антибиотикларга, мастисан А ва мастицид препаратларига сезувчанлигини аниқлаш натижалари баён этилган. Стафилококklar, стрептококklar, энтерококklar, эшерихия, протей, псевдомонада ва уларнинг (ассоциациялари) уюшмаларини пенициллин, стрептомицин, сульфадиазин, левомецетин, тетрациклин, энрофлоксацин, канамицин, мономицин, полимиксин, эритромицин, олеандомицин, тилозин, ҳамда маститга қарши препаратлар мастисан А, ва мастицидга йўриқномага биноан индикатор диск усулида сезувчанлигини ўрганилди. Синалаётган културани, микробни 15мм дан 25мм гача ўртача сезувчанлигини, 25мм дан юқори бўлса сезгир эканлигини билдирди.

6-жадвал

Инфекцион мастит кўзгатувчиларининг антибиотикларга мастисан А ва мастицид препаратларига сезувчанлигини ўрганиш натижалари

Микроб культураси	Штам- млар сони	Штамларнинг сезгирлиги							
		Сезгир		Ўртача сезгир		Ўртамиёна чидамли		Чидамли	
		сони	%	сони	%	сони	%	сони	%
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Мастисан А									
Стафилококк	126	118	93,65	8	6,34	-	-	-	-
Стрептококк	99	81	81,81	18	18,18	-	-	-	-
Энтерококк	37	31	83,78	6	16,21	-	-	-	-
Эшерихия	6	4	66,67	2	33,33	-	-	-	-
Протей	9	5	55,56	4	44,44	-	-	-	-
Псевдомонада	28	26	92,85	2	7,14	-	-	-	-
Жами	305	265	86,88	40	13,11				
Мастицид									
Стафилококк	126	124	98,41	2	11,58		-	-	-
Стрептококк	99	81	85,85	18	18,18	-	-	-	-
Энтерококк	37	32	86,48	5	13,51	-	-	-	-
Эшерихия	6	4	66,67	2	33,33	-	-	-	-
Протей	9	6	66,67	3	33,33	-	-	-	-
Псевдомонада	28	26	92,85	2	7,14	-	-	-	-
Жами	305	273	89,50	32	10,49	-	-	-	-

Агар ўсишдан тўхтатиш зонасини бўлмаслиги, у ёки бу антибиотикга микроорганизмни чидамли эканлигини билдирди. Текшириш натижалари 6-жадвалда кўрсатилган.

6-жадвал маълумотларидан маълум бўлмоқдаки, сигирларда инфекция маститнинг кўзгатувчилари ҳисобланган стафилококк ва

стрептококкларнинг антибиотикларга, мастисан ва мастицид препаратларига сезувчанлиги турлича эканлигини кўрсатди.

Стафилококк ва стрептококкларга мос равишда қуйидаги антибиотиклар ва мастисан ва мастицид препаратлари юқори сезгирликка эга эканлигини кўрсатди: эритромицин 94,44% ва 95,95%, мономицин – 92,06% ва 95,95%, энрофлоксацин – 84,12% ва 82,82%, канамицин – 69,84% 67,67%, мастисан -93,65% ва 81,81%, мастицид-98,41% ва 85,85%. Ушбу кўзғатувчилар мос равишда қуйидаги антибиотикларга ва мастисан ва мастицид препаратларига ўртача сезгирликка эга эканлигини намоён қилди: стрептомицин – 35,71 ва 36,36%, ампициллин- 30,95 ва 30,30%, левомецетин -23,00 % ва 31,31%.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, инфекцион мастит касаллигининг кўзғатувчилари асосан стафилококклар ва стрептококклар бўлиб, стафилококклар антибиотикларга 95,95% сезгир ва ўртача сезгирликка эга бўлган, бир пайтда ампициллинга, стрептомицинга, сульфадиазинга, левомецетинга, тетрациклинга, олеандомицинга, тилозинга сезгирлиги паст эканлиги аниқланди.

Мастицид препаратидан инфекцион маститнинг кўпгина турларини даволашда фойдаланилди. Бунинг учун мастит билан касалланган сигирлар елин сўрғичларига 5 мл дан 3-4 марта махсус катетр ёрдамида 24-48 соат оралиғида ушбу препарат юборилди. Клиник мастит оғир кечган ҳолларида мастицидни юборишдан ташқари пенстреп-400 ни елиннинг паренхимасига ёки мускул ичига 5 мл дан 5-6 марта касалликнинг кечишига қараб юборилди. Серозли мастит билан касалланган сигирларда мастицид препаратининг тўлиқ даволаш самарадорлиги 80,95% ни, катарал маститда 80,00%, фибринозли маститда 66,67% йирингли маститда ҳам 66,67% ни ташкил этди. Бу кўрсаткич субклиник маститда 85,55% ни кўрсатди. Демак, мастициднинг тўлиқ даволаш самарадорлиги субклиник маститда энг юқори бўлиб, энг паст кўрсаткич йирингли ва фибринозли маститларда (66,67 %) эканлиги аниқланди. Мастицид препарати билан даволанган серозли мастит сигирларнинг ўн тўққиз фоизи 10% дан 20% гача ҳолатда елин сўрғичларининг патологик ўзгаришлари туфайли сут маҳсулдорлигининг тўла тикланмаслиги билан соғайиши кузатилди. Йирингли маститда 66,67 % сигирларда сут маҳсулдорликнинг тўлиқ тикланиши аниқланган бир пайтда, қолган 33,33 фоиз сигирларда сут маҳсулдорлигининг тўла тикланмаслиги кузатилди.

Инфекцион мастит билан касалланган сигирларни акридин №27, профлавин ва панфлавин препаратларини антибиотиклар билан аралашган ҳолда ва уларсиз антибиотиклар билан даволаш самарадорлиги таққослаб ўрганилганда фақат антибиотиклар билан даволаш самараси нисбатан пастроқ эканлигини кўрсатди.

Масалан, мастит сигирлар бензилпенициллин антибиотиғи билан даволанганда 73,33%, ампициллин билан муолажа ўтказилганда -75,86% самарадорликка эга бўлган бир вақтда, бензилпенициллин акридин №27

